

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САДИРОВА ШАХЛО СОБИРОВНА**

**БОЛАЛАРДА ПАПИЛЛОМАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНING  
ТАРҚАЛГАНЛИГИ, КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШ ТАКТИКАЛАРИНИ МУКАММЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар  
14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Садирова Шахло Собировна**

Болаларда папилломавирус инфекциясининг тарқалганлиги,  
клиник-иммунологик жиҳатлари ва даволаш тактикасини  
мукаммаллаштириш ..... 3

**Садирова Шахло Собировна**

Распространенность, клинико-иммунологические  
аспекты и совершенствование тактики лечения  
папилломавирусной инфекции  
в детском возрасте ..... 19

**Sadirova Shakhlo Sobirovna**

Prevalence, clinical and immunological  
aspects and improvement of treatment tactics  
of human papillomavirus infection in children ..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 36

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САДИРОВА ШАХЛО СОБИРОВНА**

**БОЛАЛАРДА ПАПИЛЛОМАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНING  
ТАРҚАЛГАНЛИГИ, КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШ ТАКТИКАЛАРИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар  
14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.2.PhD/Tib637 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Вирусология илмий- текшириш институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мусабаев Эркин Исакович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хасанов Саидакром Аскарлович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибадова Гулнара Алиевна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Матқулиев Хайитбой Матқулиевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарканд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кучаси 2-уй. Тел/факс: +99871 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Касалликларни назорат қилиш маркази маълумотларига кўра «...одам папилломаси вируси (ОПВ) – энг кўп тарқалган эпителиотроп вирус бўлиб, дунё аҳолисининг 19-40 фоизи у билан инфицирлангандир, ОПВнинг 40 та типи шиллиқ қаватлар эпителийсига хослик хусусиятига эга»<sup>1</sup>, ОПВнинг 14 хил типи «онкоген хусусиятга эга бўлиб оғиз-халқум ва аногенитал соҳалар саратонини чакиради ва ҳар йили ОПВ 14 миллион одамга юқади»<sup>2</sup>. ОПВнинг асосан 6 ва 11-типлари томонидан чақириладиган қайталовчи ювенил респиратор папилломатоз (ҚЮРП) касаллиги алоҳида ўрин тутди. Болалар орасида ҚЮРПнинг тарқалганлиги 1,7-4,3/100 000 ни ташкил этади. ҚЮРП 45-76% ҳолларда ОПВнинг 6-типи, 24-55% ҳолларда эса ОПВнинг 11-типи томонидан чақирилиши аниқланган, ваҳоланки беморда унинг 11-типи аниқланиши юқори нафас йўллари беркилиши хавфи, касаллик кечиши тез-тез қайталаниши, 1 йилда 10 мартагача қайта жарроҳлик муолажалари ўтказилиши билан тавсифланади. ҚЮРП ни ташхислашни ўртача ёши 3-4 ёшни ташкил этиб, клиник кечиши ҳар хилдир. ҚЮРПнинг оғирлиги, жойлашуви ва патологик жараён тарқалганлиги бўйича таснифи яратилмаган. Ўзбекистон Республикасида ҚЮРПни тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлиб, ушбу беморлар реестри яратилмаган. Шу сабабдан болаларда ОПВни ва у юзага келтирадиган ҚЮРП тарқалганлигини, унинг клиник иммунологик жиҳатларини ўрганиш ва даволаш тактикаларини мукамаллаштириш бугунги кунда ҳал қилиниши зарур муаммолардан биридир.

Жаҳонда ОПВ инфекцияси ва ҚЮРПни ташхислашни такомиллаштириш ва уни жарроҳлик йўли билан олиб ташлагандан сўнг касаллик қайталанишлари сонини камайтиришга эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҚЮРПни жарроҳлик билан даволашда электрокаустик, лазер билан деструкция, крио-деструкция, рентген терапия, микродебридер ва совуқ билан абляция усуллари билан бир қаторда адьювант даво билан бирга қўллаш усулини самарадорлигини солиштиришни асослашдан иборат. Болалар орасида ОПВ билан боғлиқ қулоқ-томоқ-бурун касалликларини олдини олиш, ҚЮРПни қайталашлар сонини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>3</sup> муҳимлиги

<sup>1</sup> Centers for Disease Control and Prevention. Genital HPV Infection — Fact Sheet. Accessed 9/19/2018.

<sup>2</sup> National Cancer Institute. Human Papillomavirus (HPV) Vaccines. Accessed 9/19/2018

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 –сон Фармони

белгиланган. Болаларда ҚЮРПни мажмуавий даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида уни ташҳислаш ва даволаш тактикасини, адъювант терапияни оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли «Жамоат соғлиғи ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорларига ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги ўн йилликда жаҳонда ОПВ инфекцияси ва ҚЮРПнинг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб изланишлар олиб борилган, ушбу касалликни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича кенг кўламли усуллар таклиф этилган. Лекин шунга қарамасдан ҚЮРП билан касалланиш частотаси камаймаяпти, қайталанишлар сони юқори бўлиб қолмоқда, жарроҳлик усулида даволаш эса фақатгина паллиатив тавсифга эга бўлиб, кўшимча дорилар ишлатишни талаб қилмоқда, даволаш самараси турли муаллифлар маълумотига кўра 45-80% ни ташкил қилмоқда (Свистушкин В.М., 2014). Аҳоли орасида ОПВ ташувчилик 5% ни ташкил этишига қарамасдан ҳиқилдоқ папилломатози уларни кам сониди ривожланади. ҚЮРПни даволаш самараси кўпинча бола организмнинг иммун реактивлиги билан аниқланади, бола организми умумий ва маҳаллий иммунитет бузилишлари, гормон-метаболик статуси ва бошқа омиллар касалликни қайталашлар сонини ортишига, шунингдек ҳиқилдоқ папилломатозини малигнизациясига замин яратади (Жайсакова Д.Е. 2014). Ҳиқилдоқ папилломатозиди организмнинг нормал умумий иммунитет реакцияси фониди цитокинларга боғлиқ бўлган маҳаллий иммунологик назорат бузилади: вирус оқсилларига жавоб нормада, лекин тўқималарнинг маҳаллий цитокин таркиби ўзгарган, Т-хелперлар иммун реакцияни вирус тутувчи хужайраларни элиминациясига қаратилган Т1-CD8га боғлиқ цитотоксик эффект ўрнига Т2 типга монанд йуналтиради. Цитокинлар Т-хужайралар жавобини чеклайди, натижада эса CD8 пролиферациясини чекловчи иммуносупрессив FoxP3- Т-хужайралар сони ортади, яъни папилломалардаги кўплаб CD4 лимфоцитлар фаол равишда иммун супрессияга жалб қилинган, ёки сурункали равишда стимулланиб эффектор Т-лимфоцитлар сонини камайтиради ва ОПВ онкогенлари экспрессиясига

жавобни бузади (Hatam L.J., 2012). Т-хужайралар кучсизланишини олдини олишни янги стратегияси бу иммун жавобни Th1га йўналтирилганлигини тиклашдир, бу эса интерфероногенезни стимуляцияси билан амалга оширилиши мумкин.

Папилломаларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашни ва консерватив адъювант давони циклооксигеназа-2 ингибитори целекоксиб, интерферон препаратлари (реаферон, интрон-А), дискрет плазмаферез каби кўплаб усуллари мавжуд ва ОПВга карши 2, 4, ва 9 валентли вакциналар ҳам таклиф қилинган (Carifi M, 2015). Адъювант терапия қайталашлар орасини узайтиришга имкон беради, қайта операциялар сони ва ҳажмини камайтиришга шароит яратади. Адъювант терапияга абсолют кўрсатмалар бўлиб 1 йилда 4 ва ундан кўп марта жарроҳликлар ўтказилиши; папилломаларни ҳикилдоқ ости бўшлиғига ўсиши; папилломаларни тез ўсиши сабабли юзага келувчи нафас бузилишлари ҳисобланади (Karen B, 2016). ҚЮРПни даволашни хилма хил усуллари мавжудлигига қарамасдан энг оптимал даволаш тадбирларини, шу жумладан адъювант давони танлашда маълум бир қийинчиликлар юзага келмоқда. ҚЮРПни даволашга бағишланган жаҳон илмий адабиётини таҳлили шуни кўрсатдики, ҚЮРПни ривожланиши ва қайталаниши механизмларини тушуниб етишдаги маълум бир ютуқларга қарамасдан уни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш замонавий оториноларингологиядаги мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда, чунки бирорта ҳам жарроҳлик усули узок вақт ремиссия ривожланишига кафолат бера олмайди. Ўзбекистон Республикасида ушбу муаммо юзасидан санокли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, болаларда папилломавирус инфекциясини клиник-иммунологик жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш ва даволашни такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги бемор болаларни даволаш тартибининг замонавий тактикасини ишлаб чиқиш диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг давлат рўйхатидан ўтиш рақами 01.980006703 бўлган илмий тадқиқот ишлари тематик режаси ва Вирусология илмий текшириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда папилломавирус инфекциясининг тарқалганлигини аниқлаш, клиник-иммунологик жиҳатларини ва даволаш тактикаларини мукамаллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1-14 ёшли болаларда оғиз халқумдан суртмада ва пешобда ОПВни полимераз занжир реакцияси усулида ОПВни филогенетик гуруҳларига кўра аниқлаш учун скрининг ўтказиш;

қулоқ-томоқ-бурун касалликлари мавжуд болалар орасида ҚЮРПни учрашини аниқлаш;

касаллик ривожланишини юқори хавф омилларини ва ҚЮРПни қайталашга олиб келувчи омилларни аниқлаш;

ҚЮРПли болаларда касалликни кечиши тавсифи ва ёшига боғлиқ равишда иммунитетни хужайра ва гуморал бўғинларини параметрларини, цитокинлар профилини баҳолаш;

жарроҳлик усули билан даволашни адъювант терапияни турли хил схемалари билан биргаликда қўллашни самарасига қиёсий тавсиф бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2003-2011 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимида 2003-2011 йилларда даволанган 1-14 ёшдаги 286 та бола олинган. Улардан 85 таси ҚЮРПли бўлиб, асосий гуруҳни, 201 та ҚЮРПсиз болалар эса таққослаш (n=123) ва назорат (n=78) гуруҳини ташкил этишган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар қони, пешоби, оғиз халқумдан олинган суртма, папиллома тўқимаси, 14 ёшгача бўлган болалар орасида ОПВ инфекциясини тарқалганлиги, кулоқ-томоқ-бурун касалликли болаларда ҳиқилдоқ ҚЮРПни учраши олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун умумклиник, лаборатор, инструментал (ларингоскопия, эндоскопия), морфологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда кулоқ-томоқ-бурун касалликлари орасида қайталовчи ювенил респиратор папилломатоз учраши 0,85% ни ташкил этган, нафас йўлларининг сурункали касалликлари мавжуд бўлган ва соғлом болаларда ўтказилган скрининг уларда одам папилломаси вирусининг А7, А9, А5, А6 - филогенетик гуруҳлари мавжуд эмаслигини кўрсатган;

одам папилломаси вируси болаларда қайталовчи ювенил респиратор папилломатозда 100% ҳолларда учраши аниқланган;

қайталовчи ювенил респиратор папилломатоз ривожланишини она ёки ота томондан жинсий аъзоларида папилломатоз, тери ва шиллиқ қаватлар кондиллома/папилломаси, она ёшини 25 дан юқори бўлиши каби юқори хавф омиллари исботланган;

касалликни қайталашга олиб келувчи болани сунъий овқатлантириш, аллергия, Derkau анатомик кластери бўйича балл 8 дан юқори бўлиши каби омиллар исботланган;

тез қайталовчи ювенил респиратор папилломатозда организм иммунологик хусусиятларини ривожланишига одам папилломаси вируси инфекциясини таъсири ва даволашни самарадорлиги ҳар хил ёшли болаларда аниқланган;

адъювант даволашни турли схемаларини қайталовчи ювенил респиратор папилломатозни жарроҳлик усулида даволаш билан бирга комплекс қўллашни клиник самарадор усули яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда ОПВнинг хусусиятлари, айнан, соғлом болаларда ОПВ ташувчилик йўқлиги ва ҚЮРПда эса уни 100% ҳолларда учраши исботланган,



шу билан бир қаторда нафас аъзоларининг бошқа касалликлари орасида ОПВ мавжуд эмаслиги аниқланган;

ҚЮРПда даволаш натижаларини яхшилашга олиб келадиган комплекс даволашни янги усули (эндоларингеал микрохирургия + интерферон индуктори ва иммуномодулятор билан биргаликдаги адъювант терапия) ишлаб чиқилган;

ҚЮРПни интерфероногенез индуктори ва иммуномодулятор билан биргаликда адъювант даволаш касалликни қайталашлар сонини камайтириш, қайталашлар орасидаги даврни чўзиш ва жараённи тарқалишини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, эпидемиологик, статистик таҳлил усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, қўйилган вазифаларга мос келувчи текшириш усулларини қўллаш орқали, маълумотларни статистик текшириш орқали етарли даражада материаллар билан тасдиқланганлиги. шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҚЮРП бўлган болаларда иммун реактивлик ҳолатини ҳар хил жиҳатлари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш, касалликни кечиш жиҳатларини, қайталашлар сонини ва даволашга жавобни аниқлашдан иборат ва ҚЮРПни даволашдаги муаммоларни ечишга янги ёндашувлар ҳақидаги билимлар даражаси кенгайтирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки ҚЮРПда қайталашлар орасини ва касаллар ҳолатини динамик мониторинг қилишни узайтириш, шошилиш жарроҳлик муолажалари сонини камайтириб, уларни режали равишга ўтказиш, шу аснода ҚЮРПли болаларни даволаш натижаларини анча яхшиловчи комплекс даволашни янги усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этилишини таъминловчи маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда ҚЮРПни даволаш самарасини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда ҳиқилдоқ папилломатозларида иммунокорригирловчи даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 8н-д/148-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини тарқалганлигини ўрганиш, жарроҳлик аралашувидан кейин иммуномодулятор дори воситалари циклоферон ва лактофлор билан мажмуавий равишда даволаш имконини берган;

болаларда ОПВни тарқалганлиги, уни даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлими ва Тошкент тиббиёт

академияси 2-клиникаси кулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлими амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги 8н-д/28-сон хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касаллик ремиссиясини 1,2-1,5 баробар чўзиш ва дори-дармонлар, реабилитация ва парваришга харажатларни 25% га камайтириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари ва тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Папилломавирус инфекциясининг эпидемиологияси ва этиопатогенезининг замонавий жиҳатлари; болаларда қайталовчи респиратор папилломатозни ташхислаш, клиникаси ва даволаш»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҚЮРПда бажариладиган жарроҳлик усуллари ва адьювант даво схемалари хилма-хиллиги билан ажралиб туриши ва ҚЮРПни даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ечими топилган ва ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Илмий изланишнинг материалларининг клиник хусусиятлари ва қўлланилган текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, ҳамда қўлланилган текширув усуллари ҳақида маълумот келтирилган. Эпидемиологик изланишлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигини 2005-2017 йилларда 0-14 ёшдаги болалар орасида кулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўйича статистик маълумотлари асосида олиб борилди: кулоқ-томоқ-бурун

касалликларини улуши аниқланди, улар орасида ҚЮРП учраш частотаси ўрганилди, кулоқ-томоқ-бурун касалликлари мавжуд бўлган 123 та (таққослаш гуруҳи) ва кулоқ-томоқ-бурун касалликлари мавжуд бўлмаган 78 та (назорат гуруҳи) болада полимераз занжир реакцияси усулида оғиз-халқумдан суртмада ва пешобда ОПВга скрининг ўтказилди. 85 та бола ҚЮРПли бўлиб (асосий гуруҳ), улар 2003-2011 йилларда ТошПТИ клиникаси кулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимида даволанишган. Таққослаш ва назорат гуруҳидаги болалар натижаларни солиштириш учун ( $p>0,05$ ) асосий гуруҳ контингентини жинси ва ёшига кўра ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда танланди. Болаларни ёшига кўра тақсимлаш асосий гуруҳда 3 ёшгача бўлган болаларни кўплигини кўрсатди: 22 та (26%) бола. Касалликни давомийлиги 0 йилдан (бошланиши) 11 йилгача ораликда бўлди, касалликнинг биринчи марта намоён бўлиши 2/3 болаларда 3 ёшга тўғри келди (1-жадвал).

### 1- жадвал

#### Болаларни касалликни биринчи марта намоён бўлишидаги ёшига кўра тақсимланиши

Ёш	6 ой - 1 ёш	1,1 -3 ёш	3,1-6 ёш	6,1-11 ёш	11,1-15 ёш	Жами
n	6	34	14	26	5	85

85 та болада жами 229 та ҳиқилдоқ паилломасини олиб ташлаш жарроҳлик муолажаси ўтказилди, ҳар 1 болага ўртача 2,7 та жарроҳлик муолажаси тўғри келди. Ҳар бир алоҳида бемор болани шифохонага ётқизишлар сони 11 йилда 1 тадан 10 тагача тўғри келди, баъзи болалар 1 йилда 3 маротаба ётқизилди, шифохонага ётқизишлар орасидаги вақт 2 ҳафтадан 2,5 йилгача ташкил этди. Барча беморларга ўз ичига клиник, инструментал, лаборатор, шу жумладан иммунологик ва морфологик текшириш усуллари тугувчи комплекс текширишлар ўтказилди. Стандарт отоларингологик кўрикдан ташқари бевосита ва билвосита микроларингоскопия усулида текширилди. Касалликни оғирлигига Derkau шкаласи бўйича баҳо берилди (6 та блокдан иборат: локуснинг анатомик жойлашуви ва зарарланиш ҳажми, товуш сифати, стридор даражаси, жарроҳлик муолажаси шошиличилиги, жарроҳлик муолажалар сони, ремиссия давомийлиги, шунингдек бирга кечувчи касалликлар). Асосий гуруҳдаги барча 85 та болаларда ташҳис морфологик жиҳатдан жарроҳлик муолажаси чоғида ва эксцизион биопсияда олинган папиллома тўқимасини текшириш орқали тасдиқланди; 7 та беморда ОПВ генотиби аниқланди. полимераз занжир реакцияси усулида 3 та болада (43%) ОПВнинг 11-типи, 4 тасида (57%) ОВПнинг 6-типи билан изолирланган инфицирланиш аниқланди. Бирорта ҳолатда ҳам одам папиллома вирусининг 16 - ва 18-типлари аниқланмади. полимераз занжир реакцияси усули Россиядаги «Интерлабсервис» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган «АмплиСенс®ВПЧ ВКР скрин-титр-FL» реагентларида гибридизация-флуоресцент усулида аниқлаш орқали олиб борилди. ОПВнинг 3 та филогенетик типлари

аниқланди: А7 –18, 39, 45, 59 типлари; А9 – 16, 31, 33, 35, 52, 58 типлари; А5/А6 – 51, 56 типлари. Барча беморларда мажмуавий даво олиб борилди: папилломалар жарроҳлик усулида олиб ташланди ва адьювант терапия ўтказилди; адьювант терапия 2та схема бўйича: циклоферон умумий қабул қилинган доза бўйича (n=28) ва циклоферон + лактофлор (n=57): лактофлор операциядан кейин 1,0 мл мушак орасига ҳар куни 10 кун давомида, сўнгра 1 йилда ҳар 3 ойда 10 та инъекция; циклоферон – 3-5мг/кг 12,5% мушак орасига кун ора 45 кун давомида, сўнгра ҳар 3 ойда қайта курслар.

Диссертациянинг «**Болаларда папилломавирус инфекциясини тарқалиши, хавф омиллари ва ҚЮРПни клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида клиник – диагностик текширувлар натижаси келтирилган. Эпидемиологик текшириш шуни кўрсатдики, 2017 йилда 1-14 ёшли болалар орасида умумий касалланиш 100000 аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 59250,22 ни ташкил этди; қулоқ-томоқ-бурун касалликлари билан касалланиш 23078,02 (38,9%) ташкил этди. Нафас йўллари касалликлари орасида қулоқ-томоқ-бурун касалликларини (ринитлар, синуситлар, фарингитлар, ларингитлар, отитлар, тонзиллитлар) кумулятив улуши 18,34% ни ташкил қилди. Шуни таъкидлаш лозимки, 2015 ва 2016 йилларда ушбу кўрсаткич республика бўйича 13,03% ва 18,01% бўлиб, болалар орасида қулоқ-томоқ-бурун касалликларини кўпаётганлигини кўрсатади. ҚЮРПни учраш частотасини ТошПМИ клиникаси материалларига кўра ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди: 8 йил (2003-2011 йиллар) давомида ТошПТИ клиникаси қулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимида жами 9962 та бемор даволанган бўлиб, улардан 85 тасини ҚЮРП ташкил этди, шу тахлитда унинг учраш частотаси 0,85% ни ташкил этди. Ушбу болалар орасида тахминий саралаш орқали юқори нафас йўллари касалликлари билан оғриган 123 бола таққослаш гуруҳи учун олинди. Назорат ва таққослаш гуруҳидаги болаларда оғиз-халқумда ОПВни мавжудлиги текширилганда бирорта ҳам ҳолда ОПВ аниқланмади (2-жадвал), ушбу ҳолат юқори нафас йўллари касалликлари ОПВ билан боғланмаганлигини, ОПВни соғлом болаларда бўлмаслигини билдиради, ваҳоланки ҚЮРПда 100% ҳолларда ОПВ аниқланади (табл.2).

## 2- жадвал

### Болаларда ОПВ ни аниқлаш натижалари

Гуруҳ	оғиз – халқумдан суртма		пешоб		Жами
	ВПЧ +	ВПЧ -	ВПЧ +	ВПЧ -	
Назорат	0	78	0	78	78
Таққослаш	0	123	0	123	123
Асосий	85*	0	5	80	85
Жами:	85	201	5	281	286

\* -  $p < 0,05$ ,  $\chi^2 = 165,1$ ;  $\chi^2$  критик = 3,841

ҚЮРП ривожланишида қуйидаги хавф омиллари аниқланди: онани жинсий аъзоларида папилломатоз (RR=8,6), она ёки отада тери ва шиллик қаватлар кондилома/папилломаси (RR=73,7), она ёшини 25 дан юқори бўлиши (RR=3,1), онанинг чекиши (RR=2,6), хомиладорликда ЎРВИ (RR=1,3); болани чала туғилиши (RR=2,2), асаб тизимини перинатал шикастланиши (RR=1,7) ва сунъий овқатланиш (RR=4,2). ҚЮРП клиник кечиш хусусиятлари боланинг ёшига боғлиқ экан: касаллик биринчи намоён бўлишида бола ёши қанчалик кичик бўлса қайталашлар сони шунчалик кўп ( $r=-0,21$ ), қайталашлар орасидаги давр ҳам боланинг касаллик биринчи намоён бўлишидаги ёшига боғлиқ ( $r=+0,46$ ), яъни касаллик биринчи намоён бўлишида бола ёши қанчалик катта бўлса у шунчалик яхши сифатли кечади. Касалликни кечиш хусусиятлари қайталаниш частотаси билан аниқланди ва Д.Г.Чирешкин (1971) бўйича ўрганилди. 31 (36,5%) болада тез қайталовчи кечиш (ТҚК) (36,5%); 54 (63,5%) болада кам қайталовчи кечиш (КҚК) аниқланди. Барқарор ремиссиядаги (3 йил давомида қайталамасдан кечиши/клиник тузалиш) беморлар бизнинг текширишда аниқланмади. Тарқалган ҚЮРП 33 та болада ташҳисланди, қолган 52 тасида жараён чекланган хусусиятда эди. Derkau шкаласи бўйича баҳолаш тез қайталовчи болаларда зарарланиш ҳажми/анатомик жойлашуви, жарроҳлик муолажалари шошилиничилиги кўрсаткичлари, жарроҳлик муолажалари сони кам қайталовчи болаларга нисбатан ишончлик равишда юқори эканлини кўрсатди (3-жадвал)

### 3-жадвал

#### ҚЮРПни клиник кечишини Derkau шкаласи бўйича баҳолаш

Derkau шкаласи кластерлари	ТҚК, n=31	КҚК, n=54	P
Анатомик жойлашуви /зарарланиш ҳажми, балларда	12,4±1,1	4,5±1,4	T=4,5; p<0,05
товуш афонияси, болалар сони	13	6	$\chi^2$ -тест=10,8; p<0,05
товуш пасайиши, болалар сони	18	43	$\chi^2$ -тест=4,5; p<0,05
нормал товуш, болалар сони	0	5	$\chi^2$ -тест=3,1; p>0,05
тинч пайтдаги стридор, болалар сони	6	8	$\chi^2$ -тест=0,02; p>0,05
зўриқишдаги стридор, болалар сони	25	42	$\chi^2$ -тест=0,46; p>0,05
стридор йўқ, болалар сони	1	4	$\chi^2$ -тест=0,45; p>0,05
шошилинич жарроҳликлар сони	135	52	$\chi^2$ -тест=13,2; p<0,05
режали жарроҳлик, болалар сони	15	27	$\chi^2$ -тест=13,2; p<0,05
Жарроҳликлар сони	150	79	$\chi^2$ -тест=19,8; p<0,05
Рецидивлар орасидаги давр, ойлар	5,2±0,6	17,4±2,5	T=4,7; p<0,05

Тез қайталашга олиб келувчи омиллар: чала туғилиш ( $RR=5,0$ ), сунъий овқатлантириш ( $RR=2,4$ ), аллергия ( $RR=4,7$ ), 0-3 ёшда бўлиш ( $RR=4,7$ ), Derkey шкаласи анатомик кластери бўйича баллар 8 дан кўп бўлиши ( $RR=13,3$ ). Касалликни клиник хусусиятларини таҳлили кўрсатдики, барча ТҚКли болалар ичида 0-3 ёшдагилар 48% ни ташкил этди. КҚКли болаларни аксариятини 3 ёшдан катта болалар ташкил этди (57%). Касаллик қайталашлар сонини улар орасидаги вақтни давомийлиги билан таққослаш ўрта даражада кучсиз тесқари боғлиқликни кўрсатди ( $r= -0,51$ ). Олинган натижалар ҚЮРП ривожланишида онада ОПВга боғлиқ ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг ёши муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди, чунки ҳаёт давомида ОПВ билан зарарланиш ортади, бу эса CDC нинг (2014) “50 ёшдан ошган 50% одамларда ОПВ мавжуд, ваҳоланки фақат 5% ҳоллардагина касаллик – бачадон бўйни саратони ва бошқалар ривожланади” деган маълумотига мос келади.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикасида болаларда ва катталарда ОПВга боғлиқ касаллик - ҚЮРП ва бошқа касалликларни олдини олиш мақсадида ОПВга қарши миллий эмлаш дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш заруриятини таъкидлайди. Назорат ва таққослаш гуруҳларидаги болаларда ОПВнинг бирор типни йўқлиги соғлом болаларда ОПВ ташувчилик йўқлигини исботлайди.

Диссертациянинг «ҚЮРПли болаларда иммун реактивлик ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида текширилган болаларда ҳужайра ва гуморал иммунитет, цитокин статуси ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. ОПВга қарши иммунологик жавоб хусусиятини организмнинг нормал умумий иммунологик реакциясида маҳаллий цитокингга боғлиқ жавобни бузилиши тарзидаги ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда вирусларга қарши ҳимояни биринчи қаторида турувчи табиий киллер ҳужайралар (CD16), ИЛ-2 (CD25) га рецепторли лимфоцитлар (Т-, В-, НК- лимфоцитлар, моноцитларда CD25 мавжуд); ҳужайраларни апоптоз орқали ўлимни рецептори доменини тутувчи CD95, шунингдек ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4 цитокинлар, интерферон-альфа, иммуноглобулинлар миқдорлари аниқланди. ҚЮРПли болаларда CD25<sup>+</sup> ҳужайраларнинг абсолют миқдори назоратга нисбатан ишончли равишда юқорилиги ( $p<0,05$ ), шунингдек ҚЮРПнинг тез қайталовчи кечишида ушбу кўрсаткич кам қайталовчи турига нисбатан ишончли равишда юқорилиги аниқланди ( $p<0,05$ ); ушбу кўрсаткичнинг ёшга нисбатан ўзгариши кузатилмади. Назорат гуруҳида CD25<sup>+</sup>- лимфоцитларнинг абсолют сони 1-6 ёшдаги болаларда  $542,1\pm 94,4$  ни, 6-14 ёшда  $584,6\pm 72,3$ ни ташкил этди ( $p>0,05$ ); ушбу рақамлар касалликни тез қайталовчи кечишида кичик ёшли болаларда –  $657,1\pm 74,55$  ва катта ёшли болаларда  $874,3\pm 95,54$  ни кўрсатди ва назорат гуруҳи болалари кўрсаткичларига кўра ишонарли равишда юқори бўлиб чиқди; касалликни кам қайталовчи кечишида ушбу кўрсаткич кичик ва катта ёшли болалар гуруҳида мос равишда назоратга нисбатан 18,9 ва 21,6% га ошди ( $p<0,05$ ). Қонда CD25<sup>+</sup>- лимфоцитлар сонининг ортиши ҳар қандай иммунологик реакцияда, унинг гуморал ёки ҳужайра турлари устун туришига қарамасдан кечувчи пролиферация жараёни фаоллигини акс эттиради. Биз томондан олинган натижалар шуни кўрсатадики, тез қайталовчи ҚЮРП

CD25<sup>+</sup>-лимфоцитлар сонини ва жараён тарқалганлиги билан боғланган, яъни Derkaу шкаласи баллари ва қондаги CD25<sup>+</sup>- лимфоцитлар даражаси билан тўғри кучли корреляция алоқаси ( $r=+0,86$ ) мавжуддир. Қондаги CD95 хужайраларнинг абсолют миқдори назоратга нисбатан ишончли равишда ошди, ушбу кўрсаткич тез қайталовчи кечишида худди шу тахлитда кам қайталовчи турига нисбатан ошди ( $p<0,05$ ), ушбу ҳолат CD25<sup>+</sup>- лимфоцитлар миқдори ортишига жавобан антипролифератив фаолликни ортишини кўрсатади ва тез қайталовчи кечишида, айниқса кичик ёшдаги болалар гуруҳида ( $467\pm77$  назорат гуруҳида;  $607\pm33$  кам қайталовчи кечишида ва  $863\pm99$  тез қайталовчи кечишида) янада яққол кўринди. Олинган натижалардан маълум бўлдики, беморларда лимфоцитларни бошқарувчи субпопуляциядаги дисбаланс мавжуд бўлиб, ҚЮРПли болаларни цитокин профилида намоён бўлди. ИЛ-1 $\beta$  ва ИЛ-4 миқдорлари назоратга нисбатан кескин ошди (20-30 мартаба), қайсики тез қайталовчи тури ушбу цитокинларни кам қайталовчи турига нисбатан айниқса 1-6 ёшли болаларда ишончли равишда анча юқори эканлиги ( $p<0,05$ ) билан тавсифланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал


#### 1-6 ёшдаги ҚЮРПли болаларда иммунограмма кўрсаткичлари

Иммунограмма кўрсаткичлари	Назорат n=17	КҚК (n=23)	ТҚК (n=15)
IL-1 $\beta$ пг/мл	14,5 $\pm$ 0,7	380,7 $\pm$ 11*	451 $\pm$ 16*,**
IL-4 пг/мл	18,1 $\pm$ 0,9	201,0 $\pm$ 5,0*	233 $\pm$ 6*,**
$\gamma$ -IFN пг/мл	25,2 $\pm$ 1,8	23,0 $\pm$ 0,7*	18,0 $\pm$ 0,70*,**
CD19 abs, кл/мкл	442 $\pm$ 66	583 $\pm$ 35*	894 $\pm$ 114*,**
IgA, мг%	131 $\pm$ 7	125,0 $\pm$ 4,4	115 $\pm$ 2,8*,**
IgM, мг%	133 $\pm$ 9	131,0 $\pm$ 5	136 $\pm$ 3
IgG, мг%	1169 $\pm$ 40	1011 $\pm$ 23*	907 $\pm$ 34*,**
CD16 abs, кл/мкл	12,9 $\pm$ 0,6	10,6 $\pm$ 0,4*	8,6 $\pm$ 0,5*,**

\* - назоратга нисбатан ишончли,  $p<0,001$ ; \*\* - КҚК га нисбатан ишончли,  $p<0,05$ .

ИЛ-1 $\beta$  нинг ўта кучли яллиғланишга қарши цитокин, моноцит-макрофагал тизимни тормозланишини таъминловчи, интерферонларнинг фаоллаштирувчи таъсирини блокловчи, НК-хужайралар ва макрофаглар фаолиятини сусайтирувчи, Т- супрессорларни фаоллашувига замин яратувчи ва гуморал иммунитетни кучайтириш каби таъсирларга эга бўлган цитокин ИЛ-4 билан синхрон равишда ортиши иммун жавобни Th-1 дан Th-2 га ўтказилишидан далолат беради. Ушбу ҳолат  $\gamma$ -интерферон миқдорининг ишончли равишда камайиши аниқланиши билан тасдиқланади. ҚЮРП 3 ёшгача бўлган болаларда иммун тизимининг гуморал қисми етишмовчилиги CD19 ни ишончли равишда ортиши фониди, яъни В-лимфоцитлар фаоллашуви билан кечади.  $\gamma$ -IFN нинг камайиши CD8abs кўпайиши ва CD16 камайиши фониди юз бериб эҳтимол ИЛ-12 га рецепторларнинг  $\beta$ -суббирликлари

экспрессиясини бузади ва тўлиқ Th-1 Т-хужайрали жавобни издан чиқаради, бу эса ўз навбатида пролиферацияни апоптоздан устун бўлишини ва папилломаларни ўсишини таъминлайди. Умуман олганда иммунограмма кўрсаткичларини ёшга нисбатан нормадан (100% қилиб олинган) ҚЮРПнинг кечишига боғлиқ равишда расмдан кўрсатилган (1-расм).



**1 – расм. Иммунограмма кўрсаткичларини ёшга нисбатан нормасидан ўзгариш фоизи (%): а) 1-6 ёш, б) 6,1-14 ёш**

Шундай қилиб DeKaу шкаласи баллари ва CD25 миқдори ўртасидаги кучли корреляция боғлиқликни мавжудлиги, шунингдек касалликнинг КҚК ва ТҚК ўртасида иммунологик кўрсаткичларда (CD25, CD95, CD16,  $\gamma$ -IFN, ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4) ишончли фарқларни бўлиши касалликни тез қайталовчи кечишида ва ҳиқилдоқ папилломатозидagi пролифератив ўзгаришларни юз беришидаги аҳамиятини кўрсатади ва морфологик жиҳатдан тасдиқланди: барча ўрганилган папилломаларга кўп қаватли ясси эпителийни сўрғичсимон тарзда экзофит ўсиши хос бўлди.

Диссертациянинг «ҚЮРПни даволашни ва унга жавобни қиёсий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида беморларни даволаш натижалари келтирилган. КҚК 17та ва ТҚК 11та болаларда анъанавий жарроҳлик муолажаси бажарилди ва стандарт схема бўйича циклоферон (Ц) билан; КҚК 37та ва ТҚК 20та болаларда жарроҳлик муолажаси, шунингдек таклиф этилган схема бўйича циклоферон ва лактофлор билан даво ўтказилди. Иммунограммани динамик мониторинги жарроҳликдан 3 хафтадан кейин ўтказилди. Касалликни даволашга бўлган жавоб касаллик тавсифига: КҚК/ТҚК ва бемор бола ёшига боғлиқ экан. Комбинирланган даволаш (микрларингеал хирургия адъювант терапия билан мажмуада) яллиғланишни кучайтирувчи ва иммунсупрессор цитокинлар ИЛ-1 $\beta$  ва ИЛ-4 миқдорини камайтиришда етарли даражада самара берди ва барча 85 та беморда қонда  $\gamma$ -интерферон миқдори ошишига олиб келди. Шу билан бирга хужайра ва гуморал иммунитет параметрларини тикланиши болаларнинг ёшига ва ҚЮРПни кечиши тавсифига – қайталашлар сонидан боғлиқ бўлди. ТҚК



болаларда Ц+ЛФ:1,5 схемаси бўйича давони ишлатиш CD3%, CD4%, CD8abs, CD19abs, CD95% параметрларини тикланиши бўйича Ц схемасига нисбатан ишончли равишда самарали бўлди, ушбу кўрсаткичлар ҳар иккала ёшдаги болалар гуруҳларида тикланди. Катта ёшли болалар гуруҳида кўрсаткичларни меъёрлашуви яхшироқ борди, яъни айtilган параметрларга қўшимча равишда CD25abs, CD95abs, IgM, IgA кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Шундай қилиб ўтказилган даво фонида иммунологик реакцияларни “етилиши” рўй берди – кўрсаткичлар ўзига мос келувчи ёшга яқинлашди ва давога бўлган жавобда ўз аксини топди. КҚКли кичик ёшли болалар гуруҳида таклиф этилаётган даво схемаси ишлатилганда CD3%, CD4%, CD16%, CD8abs кўрсаткичлари, катта болалар гуруҳида эса CD25%, CD25abs, CD95%, CD95abs, CD16% кўрсаткичлари яхшиланди. Ушбу натижа адъювант терапияни самарадорлиги нафақат касаллик тавсифига, балки боланинг ёшига ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

Болалар ёши ортиши билан CD25, CD95 ларни иммунмодуляцияга жавоби яхшиланди, қайсики CD16 катта ва кичик ёшли болаларда даволашга бир хил жавоб берди. КҚКда Ц+ЛФ:1,5 схемасининг устунлиги кичик ёшли болалар гуруҳида CD8% ва CD16% ларни ва катта ёшли болалар гуруҳида CD16%, CD25%, CD25abs тикланишидан иборат бўлиб, фақатгина таклиф этилган схемани ишлатганда юз берди, ушбу ўзгаришлар Ц схемаси ишлатилганда ишончли равишда даволашгача бўлган кўрсаткичлардан фарқ қилмади.

ТҚКда даволашгача бўлган ишончли ўзгаришлар 1-6 ёшли болаларда CD16%, CD19%, CD25%, CD95% ва 7-14 ёшли болаларда эса CD8abs, CD25abs, CD95abs, IgA, IgM миқдорларида юз берди, ўзгаришлар фақатгина Ц+ЛФ схемасини ишлатганда кузатилди, циклоферон схемаси бўйича стандарт адъювант терапия ушбу параметрларни меъёрлашувига олиб келмади.

## ХУЛОСАЛАР

«Болаларда папилломавирус инфекциясининг тарқалганлиги, клиник-иммунологик жиҳатлари ва даволаш тактикаларини мукаммаллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 14 ёшгача бўлган соғлом болалар популяциясида ОПВнинг 6, 11, 18, 39, 45, 59, 16, 31, 33, 35, 52, 58, 51, 56 - типлари учрамайди ва болаларда соғлом ташувчиликни истисно этади, ҚЮРПли болалар оғиз-халқум суртмасида 100% ҳолларда ОПВнинг 6 ва 11-типлари учрайди ва улар олиб ташланган папиллома тўқималарида морфологик жиҳатдан тасдиқланган.

2. 14 ёшгача бўлган болаларда қулоқ-томоқ-буруннинг барча касалликлари орасида ҚЮРПни учраш частотаси 0,85% ни ташкил этади.

3. ҚЮРПни ривожланишига шароит яратувчи омиллар: онани жинсий аъзоларида папилломатоз (RR=8,6), она ёки отада тери ва шиллик қаватлар кондиллома/папилломаси (RR=73,7), она ёшини 25 дан юқори бўлиши

(RR=3,1), болани чала туғилиши (RR=2,2), асаб тизимини перинатал шикастланиши (RR=1,7) ва сунъий овқатланиш (RR=4,2),  $p<0,05$ .

4. ҚЮРПни тез қайталаниб кечишига шароит яратувчи омиллар: болани сунъий овқатлантириш (RR=2,4), аллергия (RR=4,7), 0-3 ёш (RR=4,7), Derкау анатомик кластери бўйича балл 8 дан юқори бўлиши (RR=13,3). Тез қайталаниб кечишига мойиллик яратувчи иммунологик омиллар: CD25abs, CD95abs, ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4 ни ишончли равишда ортиши, CD16 ва ИФНни камайиши ( $p<0,05$ ); айниқса 1-6 ёшли болалар гуруҳида иммун жавоб дисрегуляцияси шароитида маҳаллий пролифератив жараёнларни фаоллашувини кўрсатган.

5. ТҚК болаларда Ц+ЛФ:1,5 схемаси бўйича давони ишлатиш CD3%, CD4%, CD8abs, CD19abs, CD95% параметрларини тикланиши бўйича Ц схемасига нисбатан ишончли равишда самарали. Катта ёшли болалар гуруҳида айтилган параметрларга қўшимча равишда CD25abs, CD95abs, IgM, IgA кўрсаткичлари ишонарли равишда яхшиланди, ушбу натижа иммунологик реакцияларни “етилишини” билдириб ва давога бўлган жавобда ўз аксини топди.

6. ҚЮРПни Ц+ЛФ:1,5 схемаси бўйича интерфероногенез индуктори + иммуномодулятор билан адъювант терапия ТҚК гуруҳида қайталашлар частотасини статистик аҳамиятга эга равишда 1,4 ва КҚК да эса 1,2 марта камайтириш; қайталашлар орасидаги даврни ТҚК да 30-50% га, КҚК да 65-70% га чўзиш; жараённи тарқалиши кўрсаткичинини Derкау шкаласи бўйича камайтириш имконини берган.

**РАЗОВЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ НА  
ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSC.27.06.2017.ТІВ.30.01 ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВИРУСОЛОГИИ  
ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САДИРОВА ШАХЛО СОБИРОВА**

**РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ, КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ  
АСПЕКТЫ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ  
ПАПИЛЛОМАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ В ДЕТСКОМ ВОЗРАСТЕ**

**14.00.10 – Инфекционные болезни**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2019**

**Тема диссертации доктора философии по медицинским наукам (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib637.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте вирусологии и Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научные руководители:**

**Мусабаев Эркин Исакович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Хасанов Саидакром Аскарлович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Маткулиев Хайитбой Маткулиевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный  
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании разового научного совета на основании научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.01 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**Л.Н.Туйчиев**  
председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.У.Таджиева**  
ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**Б.М.Таджиев**  
председатель разового Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Центра по контролю над заболеваемостью (CDC), «вирус папилломы человека (ВПЧ)- самый распространённый эпителиотропный вирус, 14-90% населения планеты им инфицированы, 40 типов ВПЧ тропны к эпителию слизистых оболочек»<sup>1</sup>, «14 типов вируса онкогенны и вызывают рак ротоглотки, рак аногенитальной области, ежегодно им инфицируется 14 миллионов человек»<sup>2</sup>. Отдельного внимания заслуживает ювенильный рецидивирующий респираторный папилломатоз (ЮРРП), который вызывается ВПЧ преимущественно 6 и 11 типа. Распространенность ЮРРП составляет 1,7-4,3/100 000 детей. Было установлено, что ЮРРП в 45-76% случаев вызывается ВПЧ 6 типа, в 24-55% - ВПЧ 11 типа, причем ВПЧ-11 типа достоверно чаще ассоциирован с риском обструкции верхних дыхательных путей у детей, течение болезни отличается высокой частотой рецидивирования, потребностью в повторных хирургических вмешательствах, число которых достигает до 10 раз в год. Средний возраст диагностирования ЮРРП составляет 3-4 года, характер клинического течения variabelен. Единой классификации ЮРРП по тяжести, локализации и распространенности процесса нет. В Республике Узбекистан данные о распространенности ЮРРП разрозненные, реестр этих больных отсутствует. По этой причине изучение ВПЧ у детей и распространенность вызванного им ЮРРП, его клинико-иммунологических особенностей и совершенствование тактики лечения является актуальной задачей, которая требует решения.

В мире проводится ряд исследований с целью усовершенствования диагностики инфекции ВПЧ и ЮРРП, уменьшения частоты рецидивов после удаления папиллом гортани хирургическим путем. Наряду с хирургическим удалением папиллом гортани электрокаустическим методом, лазер-деструкцией, крио-деструкцией, рентгенотерапией, микродебридером и холодowymi методами абляции, комбинированное лечение адьювантной терапией требует обоснования. Профилактика ЛОР заболеваний, связанных с ВПЧ у детей, совершенствование мер по снижению рецидивов ЮРРП являются актуальными.

